

МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ УЗВИЙЛИГИ

Холиқова Парвина Абдумалик қизи
ТерДПИ Бошланғич таълим назарияси кафедраси ўқитувчиси
+998 91 982 84 64
parvina.9101@mail.ru

Аннотатсия: Ушбу мақолада маънавий мероснинг узвийлиги, миллий маънавий мерос муаммоси, миллий анъаналарни тиклаш бўйича ҳам қўплаб қилинган ишлар ҳақида ҳамда Шарқ мутафаккирларининг миллий маънавий меросимизга қўшган ҳиссалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: маънавий мерос, маданий мерос, миллий анъаналар, халқ ҳунармандчилиги, маънавий маданият ,моддий маданият.

Аждодлар яратган жаъмики бойликка янги авлод меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнида яна маданиятлар вужудга келади, аввалгилардан кўп нарсалар ўзлаштирилади. Ўтмиш тажрибаси бугун ва келажак учун ҳар доим асқотиқиши мумкин, шунингдек, бугун унитилган нарсалар бутунлай йўқолиб кетмайди. Масалан, В. Шекспир юз йилча унитилиб, кейинги авлодлар учун жаҳон адабиёти ва драматургиясининг классиги сифатида танилди.

Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг ўзгариши. Маданий мероснинг ўтиш даврида хусусияти ўзгариши мумкин. Яъни, миллий ғоя мавжуд нуқтаи назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талқиндаги мазмун касб этади. Мана шундай кўринишда у келажакка мерос бўлиб ўтади. Бизнинг кунимизгача Суқрот ва Демократ асарларининг асл нусхаси сақланиб қолмаган, бироқ ҳар бир авлод уларнинг ғоясини ўзи учун янгитдан кашф қилади ва уларнинг фалсафасини талқин қилувчи минглаб китоблар яратилади.

Юқорида таъкидланганидек миллий маънавий мерос муаммоси мамлакатимизда жамият учун ўта муҳимлилик касб этмоқда. Чоризм мустамлакачилиги даврида Туркистон халқларининг маданиятига улар «қолоқ» маданият деб паст назар билан қарашган. Кейин советлар даврида Ўзбекистон халқининг маданий меросига бир ёқлама муносабат ҳукмронлик қилди. Тарихий ҳақиқат, адабиёт ва санъат асарлари «синфий кураш», «халқчилик» каби ғариб назария орқали баҳо берилди. Фақат коммунистик ғояга мос келувчи нарсаларга ютуқ сифатида қаралди, қолган барчасига хато деб ёки мутлақо кишилар хотирасидан ўчириб ташлашга уринилди. Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида таъкидланганидек, «Узоқ давом этган қаттиқ мафқуранинг тазйиқиға қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоя улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Миллий анъаналарни тиклаш бўйича ҳам кўплаб ишлар қилинди. Наврўз, ҳайит каби қадимги халқ ва диний байрамлар расман ҳаётга қайтди. Хайр мурувват удумларини давом эттириш ва ёш авлодни баркамол ўстириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлом авлод учун жамғармасини ташкил қилиб, дастлабки орденини ҳам шундай атади. Ногирон болалар учун «Меҳрибонлик» каби саховат фестивали мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонда халқаро кино, театр ва «Шарқ тароналари» каби мусиқали фестиваллар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Халқ бахшичилиги санъатига эътибор кучайиб Республика конкурслари ўтказилди. Шунингдек

миллий курашимиз халқаро мақомга эга бўлиб, биринчи жаҳон Чемпионати ўтказилди.

Моддий маданиятдан фарқли уларок маънавий маданият ҳар доим ҳам бирон-бир моддий маҳсул сифатида намоён бўлиши майдонга чиқиши шарт эмас. Масалан, миллий маданиятимизнинг амалий санъати, хунармандчилик дурдоналари миший онгимизнинг моддий қадриятлар шаклида ва шу билан бирга маънавий қадриятларимизнинг моддий қадрият курунишида ифодаланиши бўлса, халқ урф-одатлари, анъаналари, удумлари, расм-русумлари, ахлоқий нормалари, хулқ-одоб фазилатлари унинг халқимизнинг ҳаёти, фаолияти, яшаш тарзи, маросимларида ифодаланишидир. Маънавий маданият моддий маданиятга нисбатан яшовчан характерга эга. Шунинг учун у мустақил равишда ривожланиб, фаолият курсата олади. Шу жиҳатдан маънавий маданият жамият маданиятининг ривожланишида ва жамият тараққиётида йетакчи рол ўйнайди ва шу боис бошқарувчилик, йуналтирувчилик функцияларини бажаради. Ҳар бир жамият, миллат, элат маънавий маданияти туфайли ўзлигини англайди, ўзининг эҳтиёж ва қизиқишларини, хусусиятларини билиб олади ва жаҳон тарихида ўз урнини эгаллайди. Шунинг учун инсоннинг маънавий маданиятини, маънавий онгини ривожлантириш жамият олдида турган энг асосий вазифалардан биридир. Маънавий маданият авлодлар орасида барча жабҳалар буйича ворислик вазифасини ва ўтмишни билиш вазифасини ҳам утайди. Маънавий маданият туфайли ўтмиш маданият келажак авлод томонидан ўзлаштирилади. Маънавий маданиятнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у инсонлар орасидаги ҳамда инсон билан ташқи дунё орасидаги мулоқатни бошқаради ва уйғунлаштиради. Шу жиҳатдан хулқ-одоб, мулоқот маданияти, экологик одоб каби категориялар маънавий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидир.



Миллий маънавий мерос халқимиз руҳияти, яшаш тарзи, маданиятига мос бўлган ўзига хос тарбия воситасидир. Бу мерос кенг тармоқланган бой материаларга эга. Миллий маънавий меросимизнинг аксарият қисмини аллома, донишманд ва мутафаккирларимиз, халқимизнинг илғор намояндалари, зиёлиларининг бизгача йетиб келган ҳаётий ва ижодий мерослари ташкил қилади. Бу ўринда шунини айтиб ўтиш лозимки, миллатимиз маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида жуда кўп миллат, элат ва улусларнинг таъсири бор.

Миллатимиз учун араб, форс-тожик, ҳинд каби бошқа халқларнинг маданияти ҳам ўз халқининг маданияти сингари қалбга яқин ва қадрлидир. Ислом дини фалсафаси, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Садриддин Айний каби улуғ зотлар фалсафаси, ўзига хос тилда "Калила ва Димна" да ифодаланган ҳаёт фалсафаси ва бошқа бир қатор бебаҳо маънавий манбалар орқали бизгача йетиб келган ўтмиш фалсафаси халқимиз руҳига сингиб кетган. Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайем, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Мирзо Улуғбек каби алломаларимиз, Алишер Навоий, Муҳаммад Захириддин Бобур, Увайсий, Нодира, Зебуннисо, Махзуна, Гулбаданбегим, Амир Темурабдиқалиев каби саркардаларимиз, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, имом Бухорий, Суфи Оллоёр каби донишмандларимиз, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шақурий, Анбар отин, Маҳмудхужа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий каби мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, ижоди ва маънавий мерослари талаба ёшларимиз маънавий маданиятининг битмас-туганмас бойликларидир. Бу мерос "Арасту фалсафаси", "Фозил одамлар шаҳри", "Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида", "Геодезия", "Ҳиндистон", "Минералогия", "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"; "Тиб қонунлари", "Донишнома"; "Ал-жабр ва ал-муқобала", "Наврўзнома", "Қутадғу билиг", "Қобуснома", "Маҳбубул-



қулуб", "Ҳайратул-аброр", "Темурнома", "Бобурнома", "Шамоили Мухаммадийя", "Девони ҳикмат", "Шоҳнома", "Бўстон", "Гулистон", "Баҳористон", "Қуръон", "Ҳадис" каби ноёб манбаларда, аждодларимизнинг эзгу фаолиятларида, илғор фикрларида ўз аксини топган. Эндиги вазифа бу инъомлардан талабалар маънавий маданиятини юксалтириш ишида ижодий равишда самарали ва оқилона фойдаланишдан иборатдир. Халқимиз бой ижод намуналарига эга. Улар ёшларнинг, шу жумладан талаба ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтиришда, уларни комил инсонлар қилиб шакллантиришда катта ижобий рол уйнаб келмоқда. Бу халқ маънавий меросининг мақол, масал, матал, ҳикмат, ривоят, ҳикоят, панд, насиҳат, ибора каби жанрлари ҳаётда ҳар қадамда қўлланиб келинади. Улар инсон маънавиятининг барча жihatларини, хусусан барча хулқ-одоб фазилатларини ўз ичига олади. Педагогика фанининг вазифаси халқ маънавий меросининг бу тармоғини тарбиявий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш ва амалий педагогикага жорий қилишдан иборатдир.

Халқ меросининг ёшларни миллий руҳда тарбиялаш ишига хизмат қилувчи яна бир тури халқ амалий санъатидир. Ҳақимиз санъатнинг бу сержило тури билан дунёда шуҳрат қозонган. Халқ ҳунармандчилиги, қосибчилиги, чеварчилигининг наққошлик, уймақорлик, ганчкорлик, заргарлик, асбобсозлик, сандиқчилик, бешикчилик, мисгарлик, темирчилик, этикдузлик, гиламчилик, каштачилик, зардузлик каби юналишлари ва уларнинг маҳсулотлари халқимизнинг юксак моддий ва маънавий ёдрийатларидир. Уларнинг талаба ёшларимизни юксак дидлилик, ватанпарварлик, миллий ғурур, фаоллик, яратувчилик, дадилликка интилувчанлик, нафосат руҳида тарбиялаш ишидаги роли бениҳоя каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. O‘zbekiston Respublikasining Prezidentining Qarori. “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar



samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida". 2017 yil 28 iyul // Xalq so'zi, 2017 yil 29 iyul. PQ-3160-son.[Elektron resurs] <https://lex.uz/docc/4071203>

2. Adizov B.R. "Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari", – Toshkent: «Fan», 2007. – 120 b.

3. Musurmonova O. O'quvchilarning ma'naviy madaniyatini shakllantirish. T. «Fan», 1993, 54-bet. 692

4. Худойкулов Х..Ж. Комиллик фазилатлари. -Т.: Инновация-Зиё. 2021 й.

5. Худойкулов Х..Ж. Бобоқулова Д.М. Педагогика. дарслик. -Т.: Инновация-Зиё. 2020 й.

6. Худойкулов Х..Ж Миллий ғурур-маънавий комиллик мезони.-Т.: ДзайинПресс. 2011 й.

7. Khalikova P. Peculiarities of the pedagogical possibilities of using the uzbek national-spiritual heritage in the activation of primary school students.

8. Xoliqova, P. (2023). Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ongli faoliyatini shakllantirishda milliy qadriyatlardan foydalanishning ahamiyati va o'rni.

9. Khalikova P. Peculiarities of the pedagogical possibilities of using the uzbek national-spiritual heritage in the activation of primary school students.

10. Холикова П. Technologies for teaching lexical concepts through dictionary work //ResearchJet Journal of Analysis and Inventions.(417-425).